

М.Ё.Мадаминжонов,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётини ривожлантириш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларнинг илмий-назарий асослари ўрганиб чиқилиб, ривожланган хориж амалиётида уларни ривожлантириш амалиёти ўрганиб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестицион лойиҳа, инвестицион кредитлаш, инвестиция портфели, NPV, IRR, инвестиция сиёсати.

Аннотация: В статье рассматривается развитие практики кредитования инвестиционных проектов в коммерческих банках, научно-теоретические основы экономических отношений, возникающих при финансировании инвестиционных проектов, и практика их развития в развитой зарубежной практике. Также есть предложения и рекомендации по развитию кредитования инвестиционных проектов в коммерческих банках Узбекистана.

Ключевые слова: инвестиционный проект, инвестиционное кредитование, инвестиционный портфель, NPV, IRR, инвестиционная политика.

Annotation: The article discusses the development of the practice of lending to investment projects in commercial banks, the scientific and theoretical foundations of economic relations arising from the financing of investment projects, and the practice of their development in developed foreign practice. There are also proposals and recommendations for the development of lending to investment projects in commercial banks of Uzbekistan..

Key words: investment project, investment lending, investment portfolio, NPV, IRR, investment policy.

Кириш

Бугунги глобаллашув жараёни ва жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобат шароитидаги жадал ўзгаришлар ҳар бир давлатдан ўз иқтисодиётини ривожлантиришнинг барча молиявий-иқтисодий, институционал-инфартузилмавий, ижтимоий-сиёсий, ахборот-коммуникация, интеллектуал-технологик салоҳиятларидан кенг ва самарали фойдаланиш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Айниқса, охириги йилларда барқарор иқтисодий ўсишда бўлган жаҳон иқтисодиётининг 2019 йил декабрида пайдо бўлган коронавирус пандемияси инқирозининг кучли таъсири остида қолаётган бугунги кунда мазкур глобал инқироздан чиқиш учун юқоридаги вазифани амалга ошириш

халқаро ҳамжамият ва алоҳида давлатлар олдидаги энг биринчи ва мушкул масала сифатида баҳоланмоқда.

Тижорат банклари иқтисодий инвестициялаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон иқтисодиётидаги энг фаол ва самарали молиявий институт ҳисобланади. Улар хўжалик субъектларининг муҳим молиявий ҳамкори сифатида ўзининг турли хизматларини тақдим этади. Жумладан, халқаро экспертлар фикрига кўра, банклар тармоқ ва иқтисодий ривожда алоҳида ўринга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ўзларининг инвестицион кредитлари билан самарали иштирок этаётганлиги улар фаолиятидаги истиқболли йўналишлар сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур йўналиш Ўзбекистон амалиётида ҳам кенг ривожланиб бораётганлиги бу борадаги халқаро тажрибаларнинг қўлланилаётганлиги оқибатида эришилаётган муҳим ютуқлар сифатида баҳоланади. Бироқ, халқаро амалиёт инвестицион кредитлаш борасида бирмунча илдамлаб кетган ютуқлар ва тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини тақозо этмоқда. Айниқса, бу бордаги илмий-назарий қарашларни чуқурроқ ўрганиш, етук тажрибаларга эришган давлатлар амалиётини илмий-амалий тадқиқ этиш мамлакатимизда ҳали жиддий ўрганилмаган ва тадбиқ этилишида бир қатор муаммолар кузатилаётган инвестицион кредитлаш соҳасига махсус илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётини ривожлантириш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, О.И.Лаврушин [1], И.Юдина [2], Т.Мазурина [3], Н.Каримов [4] ва бошқалар бугунги кунда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган кўплаб чакана хизматларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг ривожланишидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этганлар.

Хусусан, Т.Мазурина инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлишини асослаб берган:

- давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);
- инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;
- корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш [3].

Тадқиқот методологияси


Илмий ишни амалга оширишда тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётини ривожлантириш борасида олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва

жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий ривожланишида, ҳамда унинг турли соҳалари бир маромда ишлаб туриши учун инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда, катта ҳажмда молиявий ресурсларни жамловчи ва уни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтира оладиган асосий молиявий институт – банклар бўлиб турибди, десак муболаға бўлмайди.

Иқтисодийнинг модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.




1-расм. Тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитлар динамикаси, млрд сўм

Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан 2020 йилда 62,5 трлн. сўм ёки 2019 йилга нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2011-2020 йилларда тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитларининг жами тижорат банклари кредит қўйилмаларига нисбатан даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мамлакат иқтисодийни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, юридик шахсларнинг тижорат банклари инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бунда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш

дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.



2-расм. 01.01.2021 йил ҳолатига тижорат банклари инвестицион кредитларининг тармоқлар бўйича улуши

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриш мумкинки, тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажмида саноат тармоғининг улуши катта бўлиб, умумий порфтелнинг қарйб 44 фоизини ташкил этмоқда. Қолган фаолият йўналишлари қарйб бир хил улушга эга эканлиги расмдан кўришимиз мумкин.

Тижорат банклари инвестицион кредитларининг тармоқлар кесимида диверсификация қилишга ҳаракат қиладилар. Бу инвестицион фаолият билан боғлиқ рискларни камайтиришга ёрда беради.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан давлат инвестиция дастурларида инвестор сифатида иштирокини кенгайтириш йўлида қуйидаги муаммолар мавжуддир:

- банк капиталининг ўсиш суръатлари банкнинг ривожланиш эҳтиёжларидан ва иқтисодиёт реал секторининг банк молиялаштирилиши эҳтиёжларидан орқада қолмоқда;
- соф фойданинг сезиларди даражада ўсмаслиги фоиз харажатларини амалга оширган ҳолда кўшимча ресурс жалб қилишнинг самарадорлигини туширмоқда;
- узоқ муддатли кредит ва инвестицион ресурслар базасини кенгайтириш учун тижорат банклари ўз акцияларини сотишлари жуда паст суръатлар билан амалга оширилмоқда;
- банкнинг эмиссион ва инвестицион сиёсатлари ўзаро боғланмаган, банкнинг ўзлик улуший капиталининг ошиб бориши банкнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги улуший капиталнинг ўсишига олиб келмаяпти;
- натижада банкда инвестицион фаолият аҳамиятсиз иккинчи даражали фаолият секторига айланиб қолган.

Хулоса ва таклифлар

Инвестицион лойиҳаларни банк кредитлари орқали молиялаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- инвестицион лойиҳаларни – кредитлаш амалиётининг қайтаришлик тамойилига кўра ҳар бир кредит бўйича кредит турига, лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш муддатига, кредит берилаётган иқтисодиёт тармоғига қараб кредитни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтаришни ташкил этиш ҳамда кредитни кузатиб, мижозга маслаҳат хизматларини кўрсатиб бориш;

- мамлакатдаги асосий тармоқларни модернизация қилишни, хусусан инвестицион лойиҳаларини банклар томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун банкларнинг ўзлик активлари ҳажмини ошириш;

- тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш жумладан, активлар тузилмасида инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини оптималлаштириш, даромад бермайдиган активларни сотиш орқали банк активларининг диверсификация даражасини ошириш ҳамда инвестицион бўлимларнинг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Икрамова Н.Р. Ўзбекистонда чакана банк хизматлари: хориж тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил, 1-бет.;

2. Трофимов Д. В. Конкурентоспособность розничных банков [Электронный ресурс] / Д. В. Трофимов// Управление экономическими системами. – 2013. – №58. – Режим доступа: <http://uecs.ru/finansi-i-kredit>;

3. Никоноров В. В. Развитие розничных услуг коммерческих банков как основа повышения их конкурентоспособности [Текст]: автореф. канд. экон. наук: 08.00.10. - Волгоград: 2008, с. 6.;

4. Бекчанов М., Абдурахманов Р. Пластик карта-замонавий ҳисоб-китоб воситаси. // Бозор, Пул ва Кредит. №9. 2012. Б.14.;

5. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2008, 24-25-бет.;

6. Алиқориев О. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. иқт. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2011. - 28 б.

7. С. А. Гончарук Институциональные аспекты развития сегмента розничных банковских услуг: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Сев.-Осет. гос. ун-т им. К.Л. Хетагурова - Шахты, 2018. - 183 с

8. Efma-Infosys Finacle Innovation тадқиқоти, 2019 йил.

9. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Расмий сайти